

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

СОҲИБҚИРОН

Тарихий роман

Биринчи китоб

«TAMADDUN»
Тошкент — 2016

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
И-81

Исмоилов, Нуриддин.

Соҳибқирон: Тарихий роман: / Нуриддин Исмоилов.
— Тошкент: «TAMADDUN», 2016. Китоб 1. — 272 б.

Буюк Амир Темур ҳақида сўз очилар экан, ҳеч иккиланмай “афсонавий” деган таърифни қўллаш мумкин. Бунга истаганча асос келтириш қийин эмас. Уларнинг бири — Темур образини яратишга бўлган уринишларнинг кўплиги.

Иқтидорли адиб Нуриддин ИСМОЙЛОВнинг “Соҳибқирон” романи ана шундай навбатдаги изланишлар, уринишлар самарасидир.

Роман ниҳоятда кўтаринки руҳда ёзилган. Асарда улуг саркарданинг ҳаёт йўли мавжуд тарихий манбалар асосида тасвирланиши билан бирга, Амир Темур образига бағишланган бадиий тўқималардаги табиийлик, яъни бош қаҳрамонга хос баҳодирлик, қўрқмаслик, абжирлик, топқирлик фазилатлари қатори унинг табиий-инсоний туйғулари — ўйлари, изтироблари тасвирига бағишланган саҳналарнинг жонлилиги алоҳида ажралиб туради.

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

Тақризчи:
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-4540-6-4

© Н.Исмоилов.
© «TAMADDUN», 2016.

* * *

Унинг отда келаётганини кўриб даҳшатга тушдим. Ахир шу пайтгача ҳали бирорта ҳам саркарда бундай-ин ҳаракатни қилмаганди. Қилолмасди ҳам. Темурбек от устида тепалиқдан пастга қуюндай тушиб бораркан, эгарнинг устида икки оёқда турди ва сакраб ҳавода бир айланди. Кўзим косасидан чиқиб кетгудек бўлди. Ахир бунақада у йиқилиб, майиб бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Тўғри, у ҳаммамиздан чаққон, кучли, мард ва билимдон. Аммо бу дегани жонни гаровга қўйса бўлаверади дегани эмас-да!

Отимга қамчи босдим. Тулпорим худди шуни кутиб тургандай олдинга сапчиди. Отимнинг бўй-басти Темурбекникидан кам эмасди. Шунингдек, унинг тулпори билан меникининг ёши тенг эди. Мен ҳам пастликка энаётгандим. Шунга қарамасдан Темурбекнинг тулпори борган сари узоқлашиб кетаверди. Унга етолмаслигимга кўзим етгач бақирдим.

— Ҳой, шошма! Тўхта!

Темурбек гапимни эшитиб отининг жиловидан тортиди ва мен унга тезда етиб олдим.

— Бу нима қилиқ, Темурбек?! Нега от устида сакраб ҳавода айландинг?! Бу ерларда тошлар жуда мўл, йиқилсанг, бирон жойингни шикастлашинг мумкин-ку?! — дедим.

Темурбекнинг қиёфаси жиддий эди. Ҳар доим, яъни уни таниганимдан бери шундай. Дастлаб Темурбек мактабга келганида бўйи кичкина, кўзлари чақнаган бола эди. Лекин ўшанда ҳам у камдан-кам ҳолларда

жилмаярди. Ҳаттоки Мулла Алибек Темурбекнинг иқтидорига тан бериб (у вазифани жуда тез ва осонлик билан адо этарди), мақтаган кезларида ҳам юзида ортиқча ўзгариш сезмасдик.

— Нафақат ҳавода айландим, балки камондан ўқ ҳам уздим, — дея жавоб берди Темурбек.

— А?! Қандай қилиб?

У биздан йигирма қадамча тепаликдаги дарахтни кўрсатди ҳамда шу томонга отининг қорнига ниқтаб ҳайдади.

Менинг ақлим шошиб қолганди. Чунки тепаликдан пастга от чоптириб тушиш асносида камондан ўқ узиш жонга қасд қилиш билан баробар.

Дарров унинг ортидан эргашдим.

Ростини айтсам, бунақасини ўйлаб ҳам тополмай-сиз. Чунки Темурбек, ҳақиқатан ҳам, ўқ узган ва нишонни аниқ олган эди. Яъни бир қучоқдан кичикроқ дарахт танасининг одам бўйи баландлигида камон ўқи санчилиб турарди.

Отдан сакраб тушдим. Югуриб бориб ўқни дарахт танасидан суғуриб олдим ва Темурбекка юзландим.

— Аммо, — деди у салмоқ билан, — сен бундай юмушга қўл урмайсан!

У ўн тўрт ёшда. Мендан икки ёш кичик. Бироқ у буйруқ бераётганди. Яъни шундай оҳангда эдики, мен ихтиёрсиз бўлиб қолдим. Ҳа, худди шундай, у шоҳ-у, мен унинг қўл остидаги сипоҳ.

Ўша пайтда мен бу ҳақда ўйламадим. Шунчаки итоат этдим. Аслида, у каби от устида сакраб, ҳавода айланиб, шу аснода ёйни ишлатиш ниятим ҳам йўқ эди.

Биз тепаликка қараб от чоптирдик. Темурбек мендан олдин чиқиб борди. Отини жиловидан тортиб тўхтатди. Узангига оёғини тираб қаддини ростлади ва бошини ғоз тутиб, атрофга боқди. Ҳайбатли эди у. Отимнинг жиловидан тортиб тўхтатишимга мени маж-

бур этди. Бир оғиз сўз айтмади. Шу туришининг ўзидаёқ итоат эттириб қўйди.

Шу пайтгача у ҳақда кўп башоратлар эшитгандим. Шулардан энг аввалгиси: туғилишидан олдин отаси амир Тарағай туш кўрибди. Тушида фариштасифат киши пайдо бўлиб, унинг қўлига шамшир тутқазибди. Қилични амир Тарағай тўрт томонга силтабди. Эртасига намоздан сўнг кўрган тушини шайх Зайниддинга гапириб берибди. Шайх Зайниддин амирдан тушни тонгга яқин кўрганлигини сўраб билгач, дунёни забт этадиган фотиҳ Соҳибқирон дунёга келажагини айтибди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, Темурбек дунёга келган.

Ҳозир Темурбекнинг тепаликда ғоз турганининг ўзиёқ унинг бутун дунёни забт этишига ишора бераётгандай эди.

Мен отимнинг қорнига ниқтаб, унинг ёнига бордим.

— Аббос, — деди у менга юзланиб, — дунёни кўряпсанми?

Мен чор тарафга қарадим. Дарҳақиқат, бу ердан атроф худди кафтдагидай кўринарди. Яшил дарахтлар, ўтлоқлар, ҳув узоқдаги тоғ, чўл, ҳаттоки ўтлаб юрган қўй-қўзиларгача яққол кўзга ташланарди.

— Лекин бизнинг кўрганимиз жудаям оз, — деди Темурбек сўзлашимдан олдин, — тоғ ортида улкан-улкан диёрлар бор. Дарёлар бор.

— Аммо у ерлар биз учун жудаям хавфли.

Темурбек менга юзланди. Кулди. Сўнг: «Етиб ол», дея ҳайқирганча от чоптириб кетди. У ўктам эди. Қандайдир шижоатга тўлган эди. Шу кетишида ўзи айтган тоғнинг ортидаги диёрларга шамолдай етиб борадигандай эди.

Мен орадан бир муддат ўтибгина унинг ортидан кетдим. Қувишга, етишга ният ҳам қилмадим. Чунки

бутун хаёлим энди узоқларга кетиб қолган йигитчада кўринаётган улугворлик билан банд эди.

Ўша куни онт ичдим. Ҳаракатсиз бир кунимни ҳам ўтказмайман деб.

Дарвоқе, бу пайтда Темурбек шайх Шамсиддин мактабида дарс ўқир эди. Пешиндан кейин бизга келиб қўшиларди. Гарчи мен у билан бирга олдинроқ Мулла Алибек мадрасасида таҳсил олган эсам-да, кейин ўқимай қўйдим. Чунки уйда ўғиллардан ёлғиз фарзанд эдим. От-йилқимиз кўп эди. Бундан ташқари, икки отар қўй-эчкимиз бор эди. Албатта, буларнинг барини чўпон-чўлиқларга бериб боқтирса бўларди. Аммо менинг ўқишга хоҳишим сустроқ эди. Бунинг учун отамдан ташқари, гарчи ўзимдан кичик эса-да, Темурбекдан ҳам дакки эшитганман. Жаҳлим чиқиб кетган. Ҳали сен жинқарча менга ақл ўргатадиган бўлдингми, дея унга ташланганман. Бироқ не ажабки, кучим етмаган. Темурбекнинг жуссаси меникидан кичик эди. Билаклари ҳам ингичка эди. Лекин ёқасига қўлимни чўзганимни биламан, ўз-ўзидан оёғим осмонга кўтарилиб кетди, сўнг гурсиллаб ерга йиқилдим. Баттар қоним қайнади ва яна ташландим. Тагин аҳвол шундай. Тўғрисини айтсам, ўкириб-ўкириб йиғлагим келди. Ахир ким ҳам ўзидан кичик боладан йиқилишни истайди? Айниқса, биз томонларда бу жудаям уят саналади. Эр кишининг кураги ерга теккунча, қора гўрга киргани минг марта афзалроқ. Хаёлимга бирдан у ҳақдаги башорат келди. Темурбек улғайгач, дунёни кафтида кўтаради. Аллоҳ унга шундай неъмат ато қилиб турганида менинг қўлимдан нима ҳам келарди?

Ерга ўтириб бошимни ҳам қилдим. Темурбек ҳам келиб ёнимга ўтирди. Елкамга қўлини ташлади.

— Мендан хафа бўлма, — деди.

Ориятим устун келиб унинг қўлини силтаб ташладим.

Шу бўйи икки кун йилқи боқишга чиқмадим. Бу орада эшитдимки, Темурбек Йўлдош исмли бир боланинг кўксига найза санчибди. Аслида, Йўлдош ўта ахлоқсиз бола эди. Бемаза қилиқларни кўп қиларди. Мадрасада ўқиб юрган кезларимиз ҳам Темурбекка тирғалганига гувоҳ бўлганман. Гавдали эди. Бошқа болалардан бир қалла баланд эди. Шунинг билан бирга оиласи ҳам тузук эмасди. Отамнинг айтишига қараганда, Йўлдошнинг бобоси ахлоқсиз ишларни кўп қилгани боис қишлоғидан қувилган экан. Бир сафар ҳатто амир уни осиб ўлдиришга ҳукм қилган. Аммо нафс бандаси қочиб қутулибди. Хўжа Илғорга келиб ўрнашганидан сўнг бемазаликни йиғиштирибди. Лекин буни қарангки, худди шу нарса набирадан қайтибди.

Темурбек ҳар доимгидан ҳам жиддий бўлиб қолди. Гапирсанг, кўзинга тикилиб туради. Этинг жимирлаб кетади. Ана шундан сўнг мен аразни йиғиштириб қўйдим. Айни чоғда унинг кўнглига қарайдиган бўлиб қолдим. Фақат мен эмас, мен тенгилар, Темурбек тенгилар, бир-икки ёш кичиклар, умуман, кимки йилқи боқишга борса, кимки, Усмон қиличбознинг шогирди бўлса, Темурнинг гапини икки қилмас, у ни-майки деса, ортиқча гап-сўзсиз итоат этарди.

Мен етиб борганимда Темурбек ўн чоғли тенгқурларимиз билан гаплашиб турарди. Мени кўриб, қошларини бир-бирига туташтирди. Сўнг деди:

— Нега от чоптирмадинг?

— Сенга етиб бўлмасди, — жавоб бердим мен.

— Устоз ҳаракатсиз одам чўккусидир деганлар. Менга етишга ҳаракат қилмаган экансан, демак, сен...

— Шошма, — дея бир қўлимни юқорига кўтариб уни сўзлашдан тўхтатдим, — мен бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида ўйладим ва сенинг ортингдан от чоптирмадим.

— Маъқул, — деди Темурбек ва бир сакраб отидан тушди.

Қолганларга ҳам тушишларини буюрди. Биз айлана қуриб ўтирдик. Ҳаммининг нигоҳи унда эди. Айни чоғда Темурбек ҳам сўзлашдан олдин бизга бирма-бир қараб чиқди.

— Мен бир подшолик қуришни истадим. Шунчаки подшолик. Бир ўйин. Мен подшо бўламан. Сизлардан иккингишни вазир қилиб оламан. Қолганлар сипоҳ бўлишади. Бизнинг душманларимиз ана, — дея буталарни кўрсатди у, — тасаввур этингки, улар бизга ҳамла қилиш, юртимизни эгаллаш, молу давлатимизни ташиб кетиш мақсадида қўшин тортиб келяпти. Саркардалари сараланган ва кўп. Шунга қарамасдан, биз уларга қарши турмоғимиз ва, албатта, енгмоғимиз шарт. Акс ҳолда, болалар, қарияларнинг қони дарё бўлиб оқади.

— Биз уларнинг ҳаммасининг каллаларини чошиб ташлаймиз, — деди Маҳмуд исмли бола.

У бошқаларга нисбатан қорувли эди. Яна қорачадан келган, овози анча дўрилдоқ эди. Чайир эди.

Темурбек ўрнидан сапчиб турди. Буталар томонга юзланди.

— Душманнинг танаси ўртадаги шох, демак, ўртадаги шох кесилмоғи керак. Мабодо, ҳамлангиз пайти бошқа шохлар қўлингизга тегиб кетса, сиз жароҳатланган ва ютқазган ҳисобланасиз. Айни чоғда тулпорингизга ҳам бута шохи тугул, барги ҳам тегмаслиги жоиз. Чунки жароҳатланади ва сафдан чиқади.

Биз ўрнимиздан турдик. Темурбек кўрсатган томонга қарадик, дарҳақиқат, буталар кўп эди. Бири пастроқ ўсган, бошқаси баландроқ ва жудаям шохлаб кетганди.

— Темурбек, — деди Илёс Хожа мийиғида кулиб, — бошқа бир эрмак топсанг бўларди. Ҳар қалай, ҳаммамиз улғайиб қолганмиз. Ана, Аббоснинг мўйлаби ҳам сабза урган. Бизга бу иш чикора.

— Биринчи бўлиб сен жангга кирасан. Қани, кўрай-

лик-чи, қандай уддаларкансан? — деди Темурбек унга ўқдай нигоҳини қадаб.

Илёс Хожа тишини шимиб кўйди-да, шамширини қинидан чиқарди ва қиличининг учини ерга теккизганча судраб, отининг ёнига борди. Узангига оёғини кўйиб, бир ҳаракатда эгарга ўтирди ҳамда қиличини боши узра сермаб отининг қорнига ниқтади-да:

— Олға! — дея қичқирди.

Биринчи бута ёнига борди-ю, унинг энг баланд ўсган шохига қилич солди. Шунинг билан бирга тулпорининг кўкси бутанинг пастки шохига тегиб кетди.

— Тўхта! — қичқирди Темурбек.

Ҳамма бараварига унга қаради.

— Отингдан айрилдинг! Туш!

Илёс Хожанинг жаҳли чиқди. Тулпорини ортга буриб, тўғри Темурбекнинг устига бостириб келди. Темурбек қимир этмасдан тураверди.

— Қоч! — бақирдим мен Темурбекка ва қўлидан ушлаб тордим.

У мени силтаб ташлади. Тураверди. Оралиқ масофа бор-йўғи уч қадамча қолганида от таққа тўхтади. Илёс Хожа юганни маҳкам тортгани.

— Эсингни едингми?! — дедим мен жаҳл билан Илёс Хожага.

У гапирмади. Отидан тушди. Жиловни қўлимга тутқазди ва буталар томонга кетди. Боя «саркашлик» қилиб тулпоридан «айирган» бутанинг аввал ён шохларини, кейин тепа шохини кесиб ташлади. Иккинчи бутани ҳам шу кўйга солди. Учинчисига навбат етганида шохлардан бири кўксига тегиб кетди. У ҳамла қилишдан тўхтади. Ортига ўгирилиб биз томонга қаради ҳамда ўзини ерга ташлаб кучоғини кенг ёзди. Ана шу маҳал Темурбекнинг юзида табассум пайдо бўлди ва чапак чалди.

— Ҳамма отларга! — дея қичқирди сўнгра.

Биз «хужум»га ўтдик. Боя фақатгина Илёс Хожа

эмас, балки ҳаммамизга рақибни «ер тишлатиш» жуда осондай туйилган эди. Аммо буни қарангки, битта-битта ўзимиз қулай бошладик. Олдиниға тулпорларимиздан айрилдик. Кейин эса ўзимиз ҳам «жон таслим» қилдик.

Биргина Темурбек қолди. У жуда чаққон ҳаракат қиларди. Ён шохлар патталаб кетмаган томондан борар ва бир ҳамла билан бутанинг «боши»ни оларди. Охирги бута ёниға борганида отидан тушди. Ваҳоланки, тулпорига бирорта ҳам шох тегмаганди.

Бута баланд. Атрофидаги «қалқон»ни олиб ташламай туриб, «боши»ға қилич солиш имкони йўқ.

Биз югуриб унинг ёниға бордик. Қани, нима қиларкин, дея кутдик. Темурбек турган жойида сакради ва шамширини улоқтирди. Қилич рақибнинг «калласи»ни узиб кетди.

— Ноҳақлик бўлди! — қичқирди шу заҳоти Иброҳим исмли бола.

У Темурбек билан тенгқур эди. Бўйи сал пастроқ. Қорачадан келганди. Орамизда Темурбекдан кейин энг уқувли бола шу эди. Тўғри, озгин бўлгани учун камон ўқи узоққа кетмас, қиличбозлик қилганида шамшири қўлидан тушиб кетарди. Аммо у от устида мустаҳкам ўтиради. Шунингдек, бошқа юмушларни ҳам осонлик билан бошқалар ҳавас қиладиган даражада бажаради. Сендан саркарда чиқмайди, ҳунарманд бўлишинг лозим, дердик унга. Бироқ у кўнмасди. Ҳаттоки Темурбек билан бирга қиличбоз мураббийга ҳам борди. Боряпти ҳам. Устоз уни икки марта изига қайтариб юборган. Бироқ ўжар бола, барибир, бораверади. Умуман, ҳаммамиз ҳам ёшлигимиздан қиличбозликни, камондан ўқ отишни ўрганиш учун устозга қатнаганмиз. Лекин ҳаммамиз ҳам қуролни ўта зўр ишлатолмаймиз. Чунки дарс пайтида эринчоқлик қиламиз. Ўзимни ҳимоя қилолсам бўлди-да, деган хаёлга боради-да одам. Ундан кейин пешинга-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2366> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2366> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2366>